

AGR



IQTISODIYOT

ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal



ISCAD

The International Strategic Center
for Agri-Food Development

4/2022

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. **Т.ФАРМАНОВ, К.СЕЙТИМБЕТОВ.** Қишлоқ хўжалигида кооперативлар ташкил қилиш: ҳуқуқий асослар ва қу-тиладиган натижалар
5. **А.МУХТОРОВ, З.САБУРОВА, С.РАВШАНОВ, Г.ХАЁТОВА.** Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш-нинг асосий йўналишлари
8. **Н.АСКАРОВ, А.АБДУЛЛОЕВ, Ж.ФАРМАНОВ.** Бухоро ту-мани тупроқларининг таъсифи ва мелиоратив ҳолат-ни яхшилашнинг асосий йўналишлари
10. **А.МАХМУДОВ.** Харажатлар ва даромадларнинг бошқа-рув ҳисобини такомиллаштириш истиқболлари
12. **Ш.БУТУНОВ.** Молиявий ҳисоботни аудиторлик тек-ширувидан ўтказиш ва баҳолаш
15. **Sh.RAMAZONOV.** O'zbekiston hududlarida kovul yetishtirishning iqtisodiy samaradorlik ko'rsatkichlari
18. **A.ABDULLAYEV, G.NARZULLAYEVA, S.MIRZAYEV.** Kreativ menejment: biznes jarayonlarini boshqarishda ijodiy imkoniyatlari
21. **Д.ЯНГИБОВЕВ, Х.ТОШОВ.** Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошириш
23. **А.НОРОВ, А.БЕРДИЕВ.** Инвестицион лойиҳаларни мо-лиялаштириш riskларини бошқариш механизмлари
26. **М.БОЗОРОВА.** Аграр корхоналарни микромолиялаш механизмни такомиллаштириш
29. **Ж.БОЛТАЕВ.** Ўзбекистоннинг халқаро инвестицион позицияси ва чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими
33. **М.БАУЕТДИНОВ.** Корхонани бошқариш самарадорли-гини ошириш учун инновацион ёндашувлардан фой-даланиш механизмлари
37. **П.РАХИМОВ, Н.АБДУРАХМОНОВА.** Иқлим ўзгаришла-ри шароитида дуққакли дон экинларини етиштириш самарадорлигини ошириш
40. **Ж.РАҲИМОВ.** Инвестиция лойиҳаларини молия-лаштиришда қимматли қўғозлар бозорининг аҳами-яси
43. **А.САИДАХМЕДОВА.** Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни халқаро стандартлар асосида такомил-лаштириш
47. **З.ЕРНАЗАРОВА.** Проблемы долгосрочной устойчивости государственных финансов Казахстана: тенденции и риски
50. **Қ.ТЎХСАНОВ.** Солиқ маъмуриятчилигида солиқ имти-эзлари ва преференцияларининг қўллаш механизми
54. **С.ХУДАЙБЕРДИЕВА.** Ўзбекистон суғурта бозори мето-дологиясини такомиллаштириш
57. **Ш.ЭЛМУРОДОВ.** Хуфийна иқтисодиётни легаллашти-риш бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибаси
61. **А.БЕРДИЕВ.** Инвестицион фаолиятни молиявий бошқариш механизмнинг илмий-назарий асослари
64. **Ў.ҲАЙДАРОВ.** Корпоратив бошқарув фаолиятини ри-вожлантиришда рақамли технологияларни қўллаш
67. **З.ЗАХИДОВА.** Кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда банк кредитларининг роли
70. **И.СОБИРОВ.** Ўзбекистонда инновацион жараёнларни ташкил этишни такомиллаштириш йўллари
73. **И.ЮНУСОВ, У.САДУЛЛАЕВ.** Ёнғоқ етиштириш самара-дорлигини оширишда маркетинг тадқиқотлари
75. **Т.ФАРМАНОВ, К.СЕЙТИМБЕТОВ.** Қишлоқ хўжалиги тармоқларида маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти
78. **З.ЗУФАРОВА.** Ҳисоб сисъатининг ташкилий, техник ва услубий жиҳатлари
81. **З.ЮСУПОВ.** Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарув-чилари ва механизация хизмати кўрсатувчи корхо-налар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабат-лар
84. **С.ХАЛИКОВ.** Таъминот жараёнида бошқарув страте-гиялари ва инновациялар
87. **А.НУРМУХАММЕДОВ.** Зарубежный опыт управления кредитными рисками в коммерческих банках
92. **Ш.ДОСМУРАТОВА, А.АЙТИМБЕТОВ.** Ҳовуз балиқ-чилиги хўжаликларининг айланма маблағлар билан таъминланиш даражасини баҳолаш
95. **М.САЙFULLАЕВ.** Aktivlar qadrsizlanishini hisobga olishning tashkiliy-uslubiy ta'minoti
97. **У.САДУЛЛАЕВ.** Чорвачилик тармоғини интенсив ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар
100. **З.ИШНИЯЗОВ.** Пахтачилик тармоғида ресурслардан фойдаланиш жараёнида келиб чиқадиган экологик муаммоларнинг манбалари
103. **И.ҚО'ЛДОСНЕВ.** Qishloq xo'jaligini sug'urtalashda mavjud muammolar va ularni bartaraf etish yo'llari
106. **G.NARZULLAYEVA, M.BAKAYEVA, S.G'ULOMOVA.** Boshqaruv qarorlarini qabul qilish texnikasi
109. **А.НОРОВ.** Давлат харидларида электрон савдолардан фойдаланиш самарадорлиги ошириш механизмлари
113. **И.ОЧИЛОВ.** Агрокластерлар молиявий самарадорли-ги таҳлилини такомиллаштириш
116. **Х.ЯҚУБОВА.** Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эга-ларида тадбиркорлик салоҳиятини оширишнинг аҳа-мияти
120. **Ю.ХАСАНОВА.** Совершенствование банковской систе-мы в условиях цифровизации экономики
123. **А.НОРОВ.** Корхоналарнинг моддий-техник таъмино-тини бошқаришни такомиллаштириш
126. **М.ХОДЖАЕВА, С.ХАШИМОВА.** Auditorlik tekshiruvlarini rejalashtirishning ahamiyati va xalqaro audit standartlaridagi o'rni
130. **Н.БАЗАРОВА.** Қишлоқ хўжалигидаги технологиялар-ни кредитлаш амалиётида гаров таъминотини баҳо-лаш механизмлари
134. **Ғ.ҲАМИДОВА.** Hududlarining iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash omillari
138. **М.ШИРАНОВА.** Инвестиция банклари томонидан лойиҳаларни молиялаштириш йўллари
141. **Н.ТЎРАЕВА.** Кичик бизнес субъектларининг рақам-ли технологиялардан фойдаланиш усулларини риво-жлантириш
145. **Ж.УРАЗМАТОВ.** Қўшилган қийматни тақсимлаш-нинг самарали солиқ механизмига оид хориж тажрибалари
149. **О.НУРМУРАДОВ.** Молиявий ресурсларидан фойдала-ниш самарадорлигини баҳолашнинг айрим жиҳатлари
151. **Ш.ТОҶИБОЕВА, М.АБДУЛҚУДДУС.** Молиявий салоҳи-ят таҳлилида хусусий капитал таркиби ва айланув-чанлигини баҳолаш
155. **А.МУХАМЕТОВ, С.МАТКУЛИЕВА, Б.МАТРАСУЛОВ.** Учет обесценение активов по МСФО
159. **И.ЗИЯДУЛЛАЕВ.** Аҳолини картошка маҳсулотлари би-лан таъминлаш ҳолати таҳлили
161. **Н.МАМАНАЗАРОВА.** Қашқадарё вилоятининг суғори-ладиган ерларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги
163. **Ш.САИПНАЗАРОВ.** Рақамли иқтисодиётда молиявий инжиниринг асосида банк инновацияларини жорий этиш жараёнини моделлаштириш

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

4 (26), 2022

Бош муҳаррир: Тулқин ФАРМАНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Алишер ШУКУРОВ
Саидасрор ҒУЛОМОВ
Норқул ҲУШМАТОВ
Ражаббой ДУСМУРАТОВ
Фотима НАЗАРОВА
Ирода РУСТАМОВА
Акмал ҚОСИМОВ
Яшнаржон АЛИЕВ
Азиз КАРИМОВ
Абдуҳолиқ МУХТОРОВ
Муҳаммаджон ҚОСИМОВ
Исроилжон ХОЛМИРЗАЕВ
Назимжон АСКАРОВ
Аслиддин АБДУЛЛОЕВ
Кайрулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Бахтиёр МЕНГЛИКУЛОВ

МУАССИС:

**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)**

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 10 мартда
0909-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал 2017 йил июндан чиқа бошлаган.

Бир йилда 4 мартда чоп этилади.

© Agroiqtisodiyot, 2022



ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИДА РЕСУРСЛАРДАН ҲОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ

Зоҳид ИШНИЯЗОВ,

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази таянч докторанти

Аннотация: Ушбу илмий мақолада мамлакатимиз пахтачилик тармоғини ривожлантиришда тармоқда ресурслардан ҳойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган экологик муаммолар келиб чиқиши ўрганилган. Мақола якунида эса хулоса ва таклифлар ҳамда ҳойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган.

Аннотация: В данной научной статье исследуется происхождение экологических проблем, возникающих при использовании ресурсов при развитии хлопководческой сети нашей страны. В конце статьи даны выводы и предложения и список использованной литературы.

Abstract: This scientific article examines the origin of environmental problems arising from the use of resources in the development of the cotton growing network in our country. At the end of the article, conclusions and suggestions are given, as well as a list of references.

Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосини ташкил этувчи пахтачилик тармоғи кўп миқдорда минерал ўғитлар, касаллик ва зараркунадларга қарши курашда ишлатиладиган заҳарли кимёвий моддалар, гербитцид ва дефолиантлардан кўп ҳойдаланиши билан ажралиб туради. Шунингдек, пахтачининг бошқа қишлоқ хўжалиги экинларга нисбатан кўп миқдордаги сув сарфи ва экин майдонига техникалар ёрдамида ишлов беришни нисбатан кўпроқ талаб этиши натижасида тупроқни ҳайдов қатламининг зичлашишига, механик таркиби бузилишига олиб келиши натижасида ҳам экологик муаммолар пайдо бўлишига асос бўлувчи экин ҳисобланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини шу жумладан, пахтачилик соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган экологик муаммолар қаторига бугунги кунда ҳавонинг ифлосланиши, қишлоқ хўжалигида суғориладиган экин майдонларни сифат жиҳатдан ёмонлашуви, қишлоқ ҳудудида сув ресурсининг тақчиллиги ва уни ифлосланиб кетаётганлиги, Ўрта Осиёда мамлакатларида асосий экологик муаммо Орол денгизи қуриб бориши каби салбий ҳолатларни кириштириш мумкин.

Пахта етиштириш ҳудудида асосий муаммолардан бири бу ер ресурсидан оқилона ҳойдаланиш бўлиб, ер ресурси сифати тобора пасайиб бораётганлиги катта экологик муаммолар келиб чиқишига асосий салбий сабаб бўлмоқда. Экологик муаммолар пахта экин

майдонлари шўрланиш даражаси кун сайин ортиб бориши, минерал ўғитлардан, заҳарли кимёвий моддалардан сув ресурсидан оқилона ҳойдаланмаслик туфайли намаён бўлмоқда.

Бугунги замон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш муаммолари ечимларини, жумладан атроф муҳит ифлосланиб бориши, тармоқни техника-тараққиёти ютуқлари билан қуроллантирмасдан, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этмасдан илгари силжиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шу масалаларнинг ҳаракатга келтирувчи занжир кучи ва ижроси – бу юқори малака ва тажрибага эга бўлган, жамиятда экологик онгни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўша оладиган мутахассис ҳисобланади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада барқарор иқтисодий ривожлантириш имкониятларидан тўлиқроқ ҳойдаланиш масаласи асосан пахта етиштирувчи хўжаликлар зиммасига юкланмоқда. Маҳсулот етиштирувчи хўжаликнинг тадбиркор сифатидаги иқтисодий эркинлигини тобора кенгайиб бориши, уларнинг ресурслар ва хизматлар бозорида истеъмолчи ва сотувчи сифатидаги фаолияти кенгайиши билан бир вақтда юз бермоқда. Аммо, шу билан биргаликда маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг иқтисодий эркинлиги даражаси ортиши, бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқарувчи деҳқонлар зиммасига ишлаб чиқаришнинг якунлари учун маъсулиятни ҳам юкламоқда. Бундай шароитда замонавий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, экологик

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ресурслари, агрокластер, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, экологик муаммолар.

муаммоларни ижобий бартараф этиш, маҳсулот етиштирувчиларнинг замонавий тажриба, маҳорат, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиши, янги техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши талаб этилади.

Пахтачилик тармоғида экологик муаммолар ечимларини излаб топиш, экологик муаммолар мураккаблашиб бориши олдини олиш, бугунги кундаги долзарб илмий тадқиқотларни талаб этиши билан биргаликда, бу масала аксарият ҳолларда маҳсулот етиштирувчи пахтакор деҳқонларимиз манфаатларига унчалик ҳам тўғри келавермайди. Чунки, ишлаб чиқарувчининг асосий мақсади рақобатли бозор шароитида кўпроқ ва тезроқ даромад олиш ҳисобланади. Фақат шу бир йўл билангина ишлаб чиқариш жараёнини сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш имкони яратилади.

Шу сабабли, барча давлатларда экологик мувозанатнинг назоратини давлат идоралари томонидан амалга оширилади. Аммо, шу билан биргаликда биргина назоратнинг ўзи экологик муаммолар камайиши ёки бартараф этиш учун етарли асос бўлиши мумкин эмас.

Бозор иқтисодиёти шароитида пахтачилик тармоғини иқтисодий таъминлашда экологик муаммолар салбий оқибатларини камайтириш усуллари ва янги механизмларини такомиллаштириш, тармоқни экологик билимга эга бўлган мутахассислар билан таъминлаш ва қишлоқ аҳолиси ўртасида экологик билимни шакллантириш борасида кўплаб амалий тадбирларни ташкил этиб бориш талаб этилади.

Пахтачилик тармоғи мамлакатимизни тўлиқ суғориладиган ҳудудларида етиштирилганлиги туфайли кўп миқдорда суғориш манбаларидан сув олинади. Бугунги кунда ирригация тармоқларининг носозлиги ва шунингдек, суғориш усуллари такомиллашмаганлиги, қишлоқ хўжалигида сув учун тўлов жорий этилмаганлиги каби сабаблар оқибатида пахтачилик тармоғида сув сарфи жуда юқорилигича қолмоқда. Меъёридан ортиқча сарф қилинган сув бу нафақат ортиқча ва иқтисодий самарасиз ресурс сарфи сифатида баҳоланиши, ёки экологик муаммолар пайдо бўлиши салбий оқибати сифатида ҳам қаралиши лозим.

Экин майдонларини меъёридан ортиқча суғориш бир қатор салбий оқибатларга олиб келади. Хусусан:

- сизот сувлар сатҳи кўтарилиши оқибатида тупроқни иккиламчи шўрланиши пайдо бўлиши;

- қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ҳайдов қатлами ювилиши натижасида сув эрро-

зияси юз бериши;

- экин майдонларда ортиқча сув сарфланиши натижасида тупроқдаги эриган озик моддалар шу жумладан, минерал ўғитларнинг ўсимлик ўзлаштириши керак бўлган чуқурликдан пастга тушиб кетиши;

- тупроққа тушиб эриган минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий перепаратларнинг сизот сувлар ва пайкаллардан оқиб чикувчи сувлар орқали дарёга ва сув ҳавзаларига қайтиб тушиши ҳисобига сув минераллашуви, заҳарли бирикмалар билан ифлосланиши юз бериши каби экологик ифлосланиши пайдо бўлишининг манбаи ҳисобланади.

Юқорида ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, пахтачилик тармоғида ишлаб чиқариш ресурслардан фойдаланишда атроф муҳит ифлосланиши ва экологик муаммолар пайдо бўлишида бир қатор асосий манбалар мавжудлигини кўриш мумкин. Асосий ифлосланиш манбаларини ажратиб олиш, уларнинг келиб чиқиши тавсифи ва моҳиятини тушиниб етиш, атроф муҳит ифлосланиш даражасини олдини олиш ва камайитиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бизнингча, пахтачилик тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган атроф муҳит ифлосланишига олиб келувчи асосий манбалар қуйидагилардан иборат (1-расм):

- пахтачилик тармоғида кимёвий ўғитлардан фойдаланиш ҳисобига пайдо бўлувчи атроф муҳит ифлосланиши оқибатлари;

- ғўза касаллик ва зараркунандаларига қарши курашиш воситалари (заҳарли химикатлар), гербицид ва дефолиантлардан фойдаланиш ҳисобига пайдо бўлувчи ифлосланиш салбий оқибатлари;

- пахта ўсимлиги ердан кўплаб озик моддаларни олиб чиқиб кетиши натижасида тупроқда чиринди миқдори ва тупроқ унумдорлигини пасайиши салбий оқибатлари;


- бир неча бор ғўза ғатор ораларига техника ва механизмлар билан ишлов берилиши ҳисобига тупроқни ҳайдов қатлами зичлашиб кетиши салбий оқибатлари;

- экин майдонларни суғоришда сувдан нотўғри фойдаланиш ҳисобига меъёрдан ортиқча сув сарфи натижасида пайдо бўладиган салбий оқибатлар;

- аҳоли яшаш хонадонлардан чиқадиган чиқинди ва барг ҳазонларни ёқиб юборилиши натижасида пайдо бўладиган салбий оқибатлар.

Юқорида санаб ўтилган омиллар асосан пахтачилик тармоғини ривожлантириш жараёнидаги хўжаликлар маҳсулот ишлаб чиқа-

риш фаолияти натижасида вужудга келадиган экологик муаммолар келиб чиқиши манбалари



1-расм. Пахтачилик соҳаси риволаниши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган атроф мухит ифлосланиши манбалари

ҳисобланади. Шундай вазиятда киши фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда пахтачилик ҳудудларида вужудга келадиган экологик му-

аммолар манбалари ҳам мавжуд. Бу манбаларни энг кучли салбий таъсир этувчилари қаторига шамол ва сув эрозияси, такрорланиб келадиган қурғоқчилик ҳолатларини киритиш мумкин.

Юқоридаги илмий-амалий хулосалар асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- пахтачилик тармоғида тупроқ унумдорлигини сақлашда суғориш технологиясини такомиллаштириш ва экин майдонлари қиялигига қараб суғориш меъёрини белгилаш лозим;

- тупроқнинг унумдорлик даражасига қараб органик ва минерал ўғитларни табақалаб қўллаш лозим;

- ерга ишлов бериш жараёнида ғилдиракли тракторлардан фойдаланиш натижасида тупроқ қатлами зичланиши ва

механик таркиби бузилиши олдини олиш лозим.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР :

1. Хушматов Н., Республикада пахта хом ашёси ишлаб чиқариш борасидаги муаммолар: ЎзБИИТИ Илмий ишланмалар тўплами. – Тошкент, 2002. – 31 б.
2. Бекназаров У.Ф., Мырзаев Б.Ж. Пахтачилик тараққиёти ва экологик маслаҳат тизимини ривожлантириш узвийлиги. /– Тошкент, ЎзБИИТИ, 2007, – 57-58-б.
3. Бекназаров Ў., Файзуллаева Т., Рустамова Д. Экологик муаммолар ва қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини такомиллаштириш. // Конференция тезислар тўплами. –Тошкент, ТДИУ, 2006. 36 б.
4. Муаллифнинг илмий- амалий изланишлари натижалари.